



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2025 йил 8 октябрь, № 207 (9102)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 6-7 октябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Президент Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Габаала шаҳрида ўтган навбатдаги йиғилишида иштирок этди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев раислигида ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Сади-р Жапаров, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, Туркий давлатлар ташкилоти бош қотиби Кубаничбек Омуралиев ва бошқа расмий шахслар ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, амалий шерикликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг авалида Озарбайжон Президентига қадимдан Буюк Ипак йўлидаги муҳим савдо ва маданият марказла-

ридан бири бўлган Габаала шаҳрида саммит юксак даражада ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

— Сизнинг бевосита ташаббусингиз билан биз охириги йилларда замонавий Озарбайжоннинг кўплаб ҳудудларига ташриф буюрдик. Ўзгал Қорабоғ кун сайин обод бўлаётганига, Шуша, Хонкенди, Ағдам шаҳарларидаги улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлдик. Албатта, яқин дўстларингиз сифатида бу ижобий жараёнлар бизларни жуда қувонтиради, — деди давлатимиз раҳбари.

Озарбайжон ва Арманистон ўртасида имзоланган Тинчлик декларацияси ташкилот мамлакатларига савдо, иқтисодиёт, транспорт ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар очаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Қирғиз Республикаси Президенти Сади-р Жапаровга ТДТга самарали раислик қилгани ва ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишга қўшган муносиб ҳиссаси учун миннатдорлик билдирди.

Саммит кун тартибига ўтар экан, Ўзбекистон етакчиси бугунги халқаро вазиятга қисқача тавсиф берди.

Бу галги йиғилиш мураккаб геосиёсий ўзгаришлар, дунёда ва минтақада хавфсизликка таҳдидлар қучайиб бораётган шароитда ўтаётгани таъкидланди.

— Яқинда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг юбилей сессиясидаги жаҳон етакчиларининг чиқиш ва ёндашувлари ҳам замонавий дунёнинг сиёсий ва хавфсизлик архитектураси бўйича яқдил позиция йўқлигини яна бир бор намоён этди, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу нуқтага назардан, глобал бошқарув тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, БМТ ва Хавфсизлик Кенгашининг ролини ошириш, шунингдек, халқаро ишларда ривожланаётган мамлакатларнинг овозини кучайтириш зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

Евроосиё китъасида тобора авж олаётган, охири кўринмаётган мо-жаро ва урушлар Ташкилот давлат-

ларига салбий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди. Ҳазо секторидagi Ғожиа, Украина атрофидagi вазият, Эроннинг ядро дастури муам-моя, Афғонистоннинг барқарорлик масалалари жиддий хавотир уйғот-моқда.

Ўзбекистон раҳбари жаҳоннинг қудратли давлатларининг адолатли дунё тартиботини шакллантириш, ўзаро ишонч ва хавфсизликни таъ-минлаш борасидаги интилишлари ва янги режаларини олқишлади.

Глобал вазиятни чуқур таҳлил қилиш ва зарур қарорлар қабул қилиш мақсадида ТДТ мамлакатлари ташқи сиёсий идоралари ва махсус хизматлари раҳбарларининг қўшма учрашувларини ўтказиш ва бундай форматдаги биринчи йиғилишни кел-гуси йилда Самарқанд шаҳрида таш-кил этиш тақлиф қилинди.

Ўзбекистон етакчиси қисқа муд-датда жадал ривожланиб бораётган нуфузли халқаро тузилмалар қато-рига кирган Туркий давлатлар таш-килотининг ўрни ва аҳамияти тобо-ра ортиб бораётганини таъкидлади. Олий даражадаги сиёсий мулоқот

кенгайиб, ўзаро ишонч мустаҳкам-ланиб бораётгани, қўшма лойиҳа-лар ва гуманитар дастурлар фаол амалга оширилаётгани бундан да-лолат беради.

Бугунги кунда ТДТ доирасида 35 дан ортиқ йўналишларда амалий ҳамкорлик қилинмоқда. Ўзаро савдо ҳажми барқарор ошиб бормоқда ва 2030 йилга бориб икки баробар кўпайиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқининг асосий қисмида амалий ҳамкорлик-ни янада кенгайтиришнинг аниқ ма-салаларига тўхталиди.

Ташкилотнинг нуфузи ва салоҳия-тини ошириш, яқин истиқболда унинг самарали ҳамкорлик майдони сифа-тидаги ролини кучайтириш устувор вазифа экани таъкидланди.

— Бу борада Туркий давлатлар ўртасида стратегик шериклик, аба-дий дўстлик ва қардошлиқ тўғриси-даги битимни тезроқ келишиб, қабул қилиш тарафдоримиз. Албатта, бу му-ҳим битим ҳамкорлигимизни ривож-лантириш йўлида асосий сиёсий ҳуж-жат сифатида қардош халқларимиз-ни янада яқинлаштириш, амалий ало-

қаларни янги босқичга олиб чиқиш-да мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Кўп қиррали шерикликни кен-гайтириш ва жадаллаштириш мақса-дида Туркий давлатлар ташкилотини 2030 йилгача ривожлантириш стра-тегияси ва уни амалга ошириш бўйи-ча алоҳида “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш тақлиф қилинди. Ушбу ҳужжат-ларда қуйидаги аниқ йўналиш ва чора-тадбирларни акс эттириш зар-рурлиги қайд этилди.

Биринчидан, савдо-иқтисодий ало-қаларни ривожлантириш ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш.

Ўзбекистон Президенти яқин ист-тиқболда ТДТ доирасида савдо, бизнес ва ўзаро инвестициялар учун энг қулай шароитлар, ҳуқуқий асос ва инфратузилма яратишни назар-да тутадиган Янги иқтисодий имко-ниятлар маконини шакллантириш муҳимлигини яна бир бор таъкидлади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Қадимдан Буюк Ипак йўлининг муҳим савдо ва маданият марказларидан бири бўлган бетакрор Габаала шаҳрида сиз, азиз қардошларим билан дийдор кўри-шиб турганимдан беҳад мамнунман.

Авваламбор, саммитни юқори савия-да ташкил этганлари, аънаванавий ва са-мимий меҳмондўстлик учун Озарбайжон Республикаси Президенти, ҳурматли Илҳом Хайдарович Алиев Жаноби Олий-ларига миннатдорлик изҳор этаман.

Сизнинг бевосита ташаббусингиз би-лан биз охириги йилларда замонавий Озарбайжоннинг кўплаб ҳудудларига ташриф буюрдик. Ўзгал Қорабоғ кун сайин обод бўлаётганига, Шуша, Хонкенди, Ағдам шаҳарларидаги улкан бунёдкор-лик ишларига гувоҳ бўлдик. Албатта, яқин дўстларингиз сифатида бу ижобий жараёнлар бизларни жуда қувонтиради.

Сизнинг қатъий сиёсий иродангиз туфайли Арманистон билан имзолан-ган Тинчлик декларацияси эса Туркий давлатларнинг ҳам умумий ғалабаси-дир, десак, муболаға бўлмайди. Бу та-рихий келишув мамлакатларимиз учун савдо, иқтисодиёт, транспорт ва гу-манитар соҳаларда яқин ҳамкорлик бо-расида кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Йил давомида Ташкилотимиз фаоли-ятида самарали раислик қилгани, ҳам-корлигимизни янги босқичга кўтаришга

муносиб ҳисса қўшгани учун Қирғиз Рес-публикаси Президенти ҳурматли Сади-р Нурғожоевич Жапаров Жаноби Олий-ларига ташаккур билдираман.

“Минтақавий тинчлик ва хавфсизлик” мавзусидаги бугунги учрашувимиз дунё-да мураккаб геосиёсий ўзгаришлар юз бераётган ва хавфсизликка таҳдидлар тобора ортиб бораётган бир шароитда ўтмоқда. Ҳозир сўзга чиққан ҳамкасб-ларим бу муаммолар бўйича ўз фикр ва тақлифларини билдириб ўтдилар.

Яқинда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг юбилей сессия-сидаги жаҳон етакчиларининг чиқиш ва ёндашувлари ҳам замонавий дунёнинг сиёсий ва хавфсизлик архитектураси бўйича яқдил позиция йўқлигини яна бир бор намоён этди.

Даврнинг ўзи биздан глобал бошқа-рув тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва та-комиллаштириш, БМТ ва унинг Хавфсиз-лик Кенгаши ролини оширишни тақозо қилмоқда. Жумладан, ривожланаётган давлатларнинг ўрни ва овозини мус-таҳкамлашда яқин ҳамкорликни кучайти-риш муҳим вазифадир.

Дунёдаги энг оғриқли муаммолар, Ев-роосиё минтақасида авж олаётган ва охири кўринмаётган низо ва урушлар, албатта, бизнинг давлатларимизга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ҳазо секторидagi Ғожиа, Украина ат-рофидagi вазият, Эроннинг ядро дасту-

ри муаммоси, Афғонистоннинг барқарор-лиги масалалари барчамизни жиддий ташвишга солади.

Жаҳоннинг қудратли давлатлари томо-нидан адолатли дунё тартиботини шакл-лантириш, ўзаро ишонч ва хавфсизлик-ни таъминлашга хизмат қиладиган инти-лиш ва янги режаларни олқишлаймиз.

Ҳайламанки, глобал вазиятни чуқур таҳлил этиш ва керакли қарорлар қабул қилиш мақсадида Туркий давлатлар таш-килоти ташқи ишлар вазирлари ва мах-сус хизматлар раҳбарларининг биргалли-даги учрашувларини мунтазам ўтказиб боришни ҳам замоннинг ўзи тақозо қил-моқда. Биз биринчи қўшма учрашувни келгуси йили Самарқанд шаҳрида ўткази-ш ташаббуси билан чиқамиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Тур-кий давлатлар ташкилоти қисқа вақт ичи-да жадал ривожланиб бораётган нуфуз-ли халқаро тузилмалар қаторига кирди. Авваламбор, мамлакатларимиз ўртаси-да юксак даражадаги сиёсий мулоқот-лар фаоллашгани, ўзаро ишонч мус-таҳкамланаётгани, амалий шериклик лойиҳалари ва гуманитар дастурлар ҳаётга фаол татбиқ этилаётгани буни аққол тасдиқлайди.

Биргина мисол келтирмоқчиман. Бу-гунги кунда Ташкилотимиз доирасида ўттиз бешдан зиёд йўналишларда ама-лий ҳамкорлик олиб борилмоқда. Мам-лакатларимиз ўртасида ўзаро савдо

ҳажми барқарор ўсиб бормоқда ва бу кўрсаткич 2030 йилга қадар икки баро-бар ошиши кутилмоқда.

Кун тартибидан келиб чиқиб, бир қатор масалаларга алоҳида тўхталиб ўтмоқ-чиман.

Тузилмаимизнинг мавқеи ва салоҳияти-ни янада ошириш, яқин келажақда унинг самарали ҳамкорлик майдони сифатида-ги ўрнини мустаҳкамлаш олдимизда тур-ган устувор вазифадир.

Бу борада Туркий давлатлар ўртасида стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлиқ тўғрисидаги шартномани тез-роқ келишиб, қабул қилиш тарафдорим-миз. Албатта, бу муҳим битим ҳамкорли-гимизни ривожлантириш йўлида асосий сиёсий ҳужжат сифатида қардош халқла-римизни янада яқинлаштириш, амалий алоқаларни янги босқичга олиб чиқишда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Кўп қиррали шериклигимизни янада кенгайтириш ва жадаллаштириш мақса-дида Ташкилотнинг 2030 йилга қадар бўлган ривожланиш стратегияси ва ало-ҳида “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни тақлиф этамиз. Бунда қуйидаги аниқ йўналишлар ва чора-тадбирларни кўзда тутишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоб-лаймиз.

Биринчидан, мамлакатларимиз ўрта-сида савдо-иқтисодий алоқаларни ривож-лантириш ва саноат кооперациясини чу-қурлаштириш асосий йўналиш сифатида кўраимиз.



ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Россия етакчисини таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, дўст Россия халқига эса равақ тилади.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичларининг ўсиш суръатини давом эттириш, етакчи корхона ва компанияларнинг саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор йўналишлардаги кооперация лойиҳаларини илгари суриш, икки мамлакат ҳудудларининг ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Томонлар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

◀ Яқин келажақда Ташкилотимиз доирасида Янги иқтисодий имкониятлар маконини шакллантириш тарафдоримиз. Сўз, биринчи навбатда, савдо, бизнес ва ўзаро инвестициялар учун энг қулай шароитларни, ҳуқуқий база ва инфратузилмани яратиш ҳақида кетмоқда.

Амалий ҳамкорлиқни изчил ривожлантириш ва аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш, жумладан, Туркий инвестиция жамғармаси доирасидаги режаларни келишиш мақсадида Туркий давлатларнинг иқтисодий шериклик бўйича доимий кенгашини ташкил этиш вақти келди. Бу тузилма мамлакатларимиз Бош вазирлари ўринбосарлари томонидан бошқарилиб, доимий фаолият олиб бориши муҳим. Кенгашнинг Лойиҳа офисини эса Тошкентда joyлаштиришга тайёриймиз.

Кенгаш доирасида бир қатор янги ташаббусларни амалга оширишимиз мумкин. Жумладан, Туркий давлатларнинг Саноат альянсини тузиш ва бу орқали машинасозлик, кон сананоати, электротехника, нефть-кимё, фармацевтика, энгил саноат, озиқ-овқат, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳаларида етакчи компанияларимизнинг кооперация лойиҳаларини илгари суриш; ўзаро савдо ҳажмларини кескин ошириш ва техник регламентларни яқинлаштириш мақсадида “Туркий яшил йўлақлар” электрон тизимини жорий этиш зарур; “яшил” энергетика, “яшил” водород ва аммиак лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш, илгор технологиялар, стандартлар ва компетенцияларни жалб қилиш, давлат ва хусусий шериклик механизмларини кенг татбиқ этиш учун “Яшил трансформация” консорциумини таш-

кил этиш; стратегик минераллар базасини ўзлаштириш ва қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш каби масалалар Кенгашнинг доимий эътиборида туриши даркор.

Бунда “хомашё — қайта ишлаш — илм ва технологиялар — тайёр маҳсулот” тамойили асосида амалий ҳамкорлик дастурини қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда органик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришда мамлакатларимиз дунё етакчиларидан бўлишлари мумкин.

ФАОнинг таҳлилларига кўра, бугунги кунда органик маҳсулотларнинг жаҳон бозоригади ҳажми 225 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этади ва бу рақамлар истиқболда ҳар йили 10 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Давлатларимизнинг бу борадаги салоҳиятидан келиб чиқиб, сифатли ва талаб юқори бўлган органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришда илмий изланишлар ва селекция, саноат кооперацияси ва логистика алоқаларини кучайтиришимиз лозим.

Келажақда органик маҳсулотларимиз жаҳон бозорига ягона бренд билан чиқиши мумкин. Бу борада қишлоқ ҳўжалиги вазирларимиз назоратида Эксперт ишчи гуруҳини ташкил этиб, дастлабки “пилот” лойиҳаларни саралаш ва мамлакатларимизда амалга оширишни тақлиф этамиз.

Учинчидан, туркий давлатларнинг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлигини кучайтириш ва халқаро транзит йўлақларини ривожлантиришда мувофиқлаштирилган сиёсат олиб бориш зарурлигини ҳаммамиз чуқур англаб туришимиз.

Ўрта коридорни изчил ривожлантириш борасидаги айтиб ўтилган барча режаларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Энг асосийси, бу йўлак рақобатбардошлиги билан ажралиб туриши лозим. У бизнес ҳамжамияти учун энг қулай шарт-шароитларни таъминлаб бериши керак.

Бу борада мақбул транзит тарифларини қўллаш, замонавий транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва рақамлаштирилган божхона тартиботини жорий қилиш бўйича лойиҳаларга катта аҳамият берамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўрта коридор ҳозирда қурилаётган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли ва истиқболли Трансафғон йўлаги билан боғланса, кенг миқтамаида кўп тармоқли, стратегик магистраллар тизимини яратишга эришамиз.

Аминманки, транспорт соҳаси билан боғлиқ барча ташаббусларимиз 12 ноябрь кунин Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Мультимодал ташувар бўйича халқаро форум доирасида батафсил муҳокама қилинади. Бу тадбирда транспорт вазирлари, йирик логистика компания ва уюшмалари раҳбарлари, олим ва экспертлардан иборат миллий делегацияларнинг фаол иштирок этишларига ишонамиз.

Тўртинчидан, йирик саноат ва инфратузилма лойиҳалари тўғрисида гапирганимизда, самарали молиявий инструментларни жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бу борада биз, албатта, Туркий инвестиция жамғармасининг фаолиятини кенгайтириш тарафдоримиз. Шу билан бирга, устувор лойиҳаларга қўшимча маблағлар жалб этиш мақсадида Ислом тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, бошқа халқаро молия

ва миллий ривожланиш институтлари билан Стратегик ҳамкорлик дастурини қабул қилишни тақлиф этамиз.

Бешинчидан, сунъий интеллект, рақамлаштириш ва креатив иқтисодиёт соҳалари мамлакатларимизнинг барқарор ривожланишида муҳим драйверларга айланоқда.

Бу соҳалардаги саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш учун “Сунъий интеллект ва креатив иқтисодиёт лойиҳаларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилишни тақлиф этамиз.

Шу билан бирга, Туркий дунё халқаро кўргазмасини мамлакатимизда ўтказиш ташаббусини билдираамиз.

Олтинчидан, “Жаҳолатга қарши — маърифат” тамойили асосида илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтариш муҳим.

Ўзбекистон 2025-2026 йилларда 100 дан зиёд университетларни ўз ичига олган Туркий университетлар иттифоқига раислик қилади. Келгуси ҳафта Иттифоқ Бош ассамблеясининг йиғилиши Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Раислигимиз даврида “Туркий илм-фан ва инновациялар кунлари”ни ўтказиш ташаббуси билан чиқамиз.

Соҳадаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, иқтидорли олимларнинг изланишларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистонда Туркий давлатлар халқаро университети ўз фаолиятини бошламоқда. Ушбу олийгоҳ негизида Қўшма тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқсак, айна муддао бўлар эди.

Еттинчидан, ёшларимиз орасида ёт ва бузғунчи гоёлар тарқалишининг олдини олиш

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ ТАШАББУСЛАР

◀ Амалий ҳамкорлиқни изчил ривожлантириш ва аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш, хусусан, Туркий инвестиция жамғармаси доирасидаги режаларни келишиш мақсадида Туркий давлатларнинг иқтисодий шериклик бўйича доимий кенгашини таъсис этиш муҳимлиги қайд этилди. Доимий асосда фаолият юритадиган ушбу тузилмага Ташкилот мамлакатлари Бош вазирларининг ўринбосарлари раҳбарлик қилиши мумкин. Кенгашнинг Лойиҳа офисини Тошкент шаҳрида joyлаштириш тақлиф этилди.

Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, қуйидаги масалалар Кенгашнинг доимий эътиборида бўлиши керак:

— Туркий давлатлар Саноат альянсини тузиш ва шу орқали машинасозлик, тоғ-кон сананоати, электротехника, нефть-кимё, фармацевтика, энгил, озиқ-овқат сананоати, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳаларида етакчи компанияларнинг кооперация лойиҳаларини илгари суришга кўмаклашиш;

— ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш ва техник регламентларни яқинлаштириш мақсадида “Туркий яшил йўлақлар” электрон тизимини жорий этиш;

— “яшил” энергетика, “яшил” водород ва аммиак бўйича лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, ил-

гор технологиялар, стандартлар ва ваколатларни жалб қилиш, давлат-хусусий шериклик механизмининг кенг жорий этиш учун “Яшил трансформация” консорциумини ташкил этиш;

— стратегик минераллар хомашё базасини ривожлантириш асосида амалий ҳамкорлик дастурини қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, “хомашё — қайта ишлаш — илм ва технологиялар — тайёр маҳсулот” тамойили асосида амалий ҳамкорлик дастурини қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Иккинчидан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. Мавжуд салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда, ТДТ мамлакатлари органик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича жаҳон етакчиларига айланиши мумкин.

ФАО таҳлимига кўра, бугунги кунда жаҳон органик маҳсулотлар бозори ҳажми 225 миллиард доллардан ошади ва келажақда бу кўрсаткич ҳар йили 10 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Сифатли ва харидорғир органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун илмий-тадқиқот ва селекция, саноат кооперацияси ва логистика алоқаларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

— Келажақда органик маҳсулотларимиз жаҳон бозорига ягона бренд

билан чиқиши мумкин. Бу борада қишлоқ ҳўжалиги вазирларимиз назоратида Эксперт ишчи гуруҳини ташкил этиб, дастлабки “пилот” лойиҳаларни саралаш ва мамлакатларимизда амалга оширишни тақлиф этамиз, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Учинчидан, транспорт жихатидан ўзаро боғлиқлиқни кучайтириш ва халқаро транзит йўлақларини ривожлантириш соҳасида мувофиқлаштирилган сиёсатни амалга ошириш.

Мамлакатимиз етакчиси Ўрта коридорни изчил ривожлантириш борасидаги режаларни қўллаб-қувватлаб, ушбу йўналишнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва бизнес ҳамжамияти учун энг қулай шароитлар яратиш муҳим эканини таъкидлади.

Шу маънода, мақбул транзит тарифларини қўллаш, замонавий транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва рақамли божхона тартиб-таомилларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта коридор қурилаётган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли ва истиқболли Трансафғон йўлаги билан боғланса, улкан миқтадада кўп тармоқли, стратегик магистрал йўлар тизими яратилади.

Транспорт соҳасига оид бу ташаббусларнинг барчаси 12 ноябрь кунин Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган

Мультимодал ташувар бўйича халқаро форум доирасида атрофича муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Тўртинчидан, кенг қўламли саноат ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун самарали молиявий воситаларни жорий этиш.

Ўзбекистон Президенти Туркий инвестиция жамғармаси фаолиятини кенгайтириш, ИТБ, ЕТТБ ва бошқа халқаро ҳамда миллий молия институтлари билан Стратегик ҳамкорлик дастурини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Бешинчидан, барқарор ривожланишнинг муҳим драйверларига айланаётган сунъий интеллект, рақамлаштириш ва креатив иқтисодиётни ривожлантириш.

Ушбу йўналишлардаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида сунъий интеллект ва креатив иқтисодиёт соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилиш тақлиф этилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда Туркий дунё халқаро кўргазмасини ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Олтинчидан, “Жаҳолатга қарши — маърифат” тамойили асосида илм-фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқиш.

2025-2026 йилларда мамлакатимиз 100 дан ортқ таълим муассасаларини бирлаштирган Туркий универ-

ситетлар иттифоқига раислик қилиши таъкидланди. Келгуси ҳафта Тошкентда иттифоқ Бош ассамблеясининг йиғилиши бўлиб ўтади.

Ўзбекистон раислик даврида “Туркий илм-фан ва инновациялар кунлари”ни ўтказиш ниятида.

Ўзбекистон Президенти илм-фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, иқтидорли олимларнинг тадқиқотларини рағбатлантириш мақсадида мамлакатимизда Туркий давлатлар халқаро университети ўз фаолиятини бошлаётганини маълум қилди. Давлатимиз раҳбари унинг негизида Қўшма тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқишни тақлиф этди.

Еттинчидан, ёшлар орасида ёт ва бузғунчи гоёлар тарқалишининг олдини олиш.

Шу муносабат билан Туркий давлатлар маконида экстремистик ва радикал мафқурага қарши курашиш бўйича Ҳаракатлар режасини қабул қилиш тақлиф этилди.

Ўзбекистон, шунингдек, исломофобиянинг барча қўринишларига қарши курашишга қаратилган яқин мулоқотни давом эттиради.

Бундан ташқари, Ташкилот доирасида ёшлар ўртасида экологик билимлар бўйича қўшма чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси яна бир муҳим масалага эътибор қаратди.

— Биз келгуси йилда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг 585 йиллиги ҳамда улугў Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий таваллудининг 885 йиллигини кенг нишонлаймиз. Ана шу мумтоз сиймоларнинг инсонпарварлик, ўзаро дўстлик ва бирдамлик ҳақидаги гоёлари, бебаҳо адабий меросини кенг тарғиб этиш мақсадида “Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий ижоди — Туркий дунё маънавий ҳаётида” мавзусида халқаро илмий конференция ўтказишни тақлиф этамиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда хорижий давлатлар делегациялари раҳбарлари ҳам сўзга чиқди.

Саммит якунида Ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада кенгайтиришга қаратилган қўшма қарор ва ҳужжатлар тўплами қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга амалий ташрифи якунланди.

Ғабала халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев кузатиб қўйди.

Ў.А.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИККА ЭРИШИШ СТРАТЕГИЯСИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Кеча Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Йиғилиш

Мажлисида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ижро этилиши чуқур танқидий муҳокама қилинди.

Сенат Раиси таъкидлаганидек, давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаоллигини ошириш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чикириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аиникса, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва институционал негизини мустаҳкамлаш йўлида муҳим чоралар қўрилмоқда.

Ушбу йўналишда 200 дан ортқ комплекс чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилиб, натижада хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Жумладан, олий таълимнинг бакалавр босқичида хотин-қизлар улуши 38 фоиздан 53 фоизгача ўсди. Магистратура босқичида бу кўрсаткич 34 фоиздан 66 фоизгача кўтарилди. Докторантурада таълим олаётган хотин-қизлар сони эса 584 нафардан 4 129 нафарга етди.

Иқтисодиёт тармоқларида ҳам аёлларнинг фаолияти ортиб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёллар сони 69 минг нафардан 262 минг нафаргача кўпайди.

Сийёсий соҳида хотин-қизларнинг улуши сезиларли даражада ошди. Хусусан, сийёсий партиялардаги хотин-қизлар улуши 30 фоиздан 41 фоизга, парламентдаги улуши эса 16,4 фоиздан 34 фоизгача ортди.

Парламентларо Иттифоқ томонидан юритиладиган “Парламентдаги аёллар” рейтингига Ўзбекистон 193 та мамлакат орасида 130-ўриндан 38-ўринга кўтарилди. Жаҳон банкининг

гендер тенглик соҳасидаги сўнги ҳисоботида Ўзбекистон дунёдаги энг тез ривожланаётган 5 та мамлакат қаторида қайд этилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига мос келадиган хотин-қизлар ва еркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратишга қаратилган халқаро шартномаларни ратификация қилиш, аёллар тадбиркорлигини янада ривожлантириш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, зуравонлик ва таъйиқ ҳўлатларининг олдини олиш ҳамда бошқа муҳим масалалар муҳокама марказида бўлди.

Шунингдек, мажлис давомида мутасаддиларга Гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2026 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди.

Мазкур дастурда давлат фуқаролик хизмати ва мил-

лий кадрлар заҳирасида хотин-қизлар улушини ошириш, таълим ҳамда инфомацион технология соҳаларида хотин-қизлар иштирокини кўпайтириш, уларнинг рақамли қўникмаларини ривожлантириш, иқтисодий имкониятларни кенгайтириш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш, таъйиқ ва зуравонлиқнинг олдини олиш механизмларини кучайтиришга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратиш вазифаси белгиланди.

Шу билан бирга, мажлисида жорий йилнинг 25 нояб-ридан 10 декабригача ўтказилиши режалаштирилган “Зуравонликка қарши 16 кун” халқаро акциясини самарали ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Акция доирасида аҳоли ўртасида зуравонликка қарши курашиш, гендер тенгликни тарғиб этиш ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ахборот-тадбирлари ўтказиш режалаштирилгани таъкидланди.

Йиғилишда республика ва маҳаллий ижро органлари мутасаддиларининг ахбороти эшитилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Муҳокама якунида комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

ЭЛ ТИНЧЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибидан ўрин оладиган қонунлар, муҳим масалалар парламент юқори палатаси қўмиталарида муҳокамалардан ўтказилмоқда.

Муҳокама

Хусусан, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида бир қатор муҳим қонунлар дастлабки тарзда қўриб чиқилди.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини оширишга йўналтирилган изчил ишловларнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга қаратилгани билан ажралиб туради.

Ушбу ҳужжат билан маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш тизимини мустаҳкамлаш назарда тутилиб, профилактика кичик инспектори лавозими ва ваколатлари қонунчиликда аниқ акс эттирилаётди. Бу эса криминоген вазияти оғир ҳудудлардаги маҳаллаларда янги профилактика механизмларини тўлиқ ишга тушириш имконини беради.

Бундан ташқари, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ва таъйиқ пунктлари таркиби, шунингдек, профилактика инспекторларининг (бош, катта инспектор, инспектор, кичик инспектор) ваколатларига оиднилик киритилмоқда.

Ҳужжатда жамоат хавфсизлигини ошириш ва янги хавф-хатарларни бар-тарafd этиш ҳам назарда тутилган. Жумладан, портатив лазерли нур тарқатқичларининг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарлик белгиланмоқда. Қўмита мажлисида криминоген ва-

зияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари юзасидан илмий ёндашувлар асосида ўтказилган ўрганишлар натижаси бўйича ИИБ Академияси ҳамда Жамоат хавфсизлиги университети раҳбарларининг ахборотлари ҳам аштитилди.

Қайд этиш лозимки, маҳаллаларда, жамоат жойларида тартиб-интизомни сақлаш, осийишталикни таъминлашга барча бирдек масъул. Шу боис Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан мамлакатимизда тинчлик ва осийишталикни, аҳолининг хавфсиз ҳаёт кечиришини таъминлаш борасида ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий жиҳатдан барча зарур чоралар қўрилмоқда.

Қисқа муддатда соҳага доир алоҳида концепциялар, янгича иш услублари, илмий ёндашувлар ва замонавий механизмлар амалиётга жорий этилди, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти буткул такомиллаштирилди, зарур қуч ҳамда воситалар билан тўлиқ таъминланди. Шу жиҳатдан жиноятчиликка қарши курашиш ишларига нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки илмий соҳа вакиллари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар, кенг жамоатчилик ҳам тўла жалб этилган. Энг асосийси, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки уларнинг олдини олиш асосий мезонга айланган.

Муҳокамада сўзга чиққанлар криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар концепцияси тасдиқланиб, криминоген вазияти бўйича “қизил” тоифада турган маҳаллаларда

жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг асл омилларини тизимли равишда илмий ёндашган ҳолда таълим муассасалари томонидан ўрганиб бориш амалиёти ҳам йўлга қўйилганини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, қўмита мажлисида “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун ҳам муҳокама марказида бўлди.

Сир эмаски, бугунги кунда бутун дунёда аҳоли ва сановатда электр энергиясига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда иқтисодий тараққиёт, аҳоли сони ва турмуш фаровонлигининг ўсиши натижасида электр энергиясига бўлган эhtiёж 2030 йилга бориб 120-125 млрд. кВт-соатга етади.

Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда атом энергетикасини ривожлантиришга, энергиядан фойдаланиш хавфсизлигини, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ўсишини таъминлашга қаратилган салмоқли ишлар амалга ошириляпти.

Мазкур қонун билан эса “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергияси агентлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари аниқлаштирилишини, шунингдек, Энергетика вазирлигининг ушбу соҳадаги ваколатлари белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁНИНГ СИЁСИЙ ВА ХАВФСИЗЛИК АРХИТЕКТУРАСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Озарбайжоннинг Габала шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммитидаги нутқида янги сиёсий ғоялар, улкан ташаббусларни илгари сурди



Бугунги дунёда энг улғу, энг муҳим, энг азиз неъмат бу — тинчлик бўлса керак. Зеро, уруш дунёнинг қаерида бўлишидан қатъи назар, бутун инсониятга хавф солади, хавотир уйғотади, мамлакатларнинг барқарор иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади. Унга бефарқ қараб бўлмайди. У худди ўрмон ёнғинларидек тез тарқаб кетиши ҳеч гап эмас. Бунга тарихда мисоллар жуда кўп.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевга қарата айтган мана бу сўзларига эътиборингизни қаратмоқчи-ман: **“Сиёзинг қатъий сиёсий иродан-гиз туғайли Арманистон билан тур-золанган Тинчлик декларацияси Тур-кий давлатларнинг ҳам умумий ғала-басидир...”**.

Туркий давлатларнинг умумий ғалабаси... Менинг назаримда саммит-да янграган бу хитоб, эътироф замири-да улкан маъно муҳасаммалашган. Бу ғояда тарих бор, бугун бор, келажак бор. Мазкур ғоя туркий халқлар қисматдош эканлигини ифодалайди. Бирлашиш заруратини акс эттиради.

Президентимиз нутқида илгари сурил-ган **“Адолатли дунё тартиботини шакл-лантириш”** ғояси ҳам жуда муҳим. Агар шундай тартиботга амал қилинганда эди, урушлар аллақачон тугаган бўлар-ди. Бу борада, айниқса, жаҳоннинг куд-

ратли давлатлари мазкур тамойилга амал қилишлари жуда муҳим.

Жаҳонда юз бераётган воқеа-ходиса-лар алоҳида олинган бир мамлакат стра-тегик шерикларсиз на тараққий этиши-ни, на тинчлигини сақлай олишини кўрсатмоқда. Президентимиз нутқида таъкидланганидек, Туркий давлатлар ўртасидаги стратегик шериклик, абадий тинчлик ва қардошлик тўғрисидаги шартномани тезроқ имзолаш зарур. Дунёда юз бераётган зиддиятлар бизни бугун ана шундай қатъиятли қарорлар қабул қилишга чорламоқда.

Туркий давлатлар ташкилоти қисқа вақт ичида ривожланиб, аллақачон ну-фузли халқаро тузилмалар қаторидан жой олди. Энди навбат ўз-ўзидан гео-сиёсий ўзгаришлар юз бераётган ва хавф-сизликка таҳдидлар ортиб бораётган бу-гунги вазиятда стратегик шериклик ма-саласига алоҳида эътибор қаратишга етди.

Туркий давлатлар ташкилоти фаолия-тида Ўзбекистон Президенти илгари сур-ган ташаббуслар халқаро ҳамжамият ва экспертлар томонидан ҳам юқори баҳо-ланмоқда. Президентимиз уларда ташки-сиёсатда амалий ишларга ўтиш, имко-ниятларни тўлиқ ишга солиш, биргалик-да тараққий этиш, тинчликни сақлашга хизмат қилувчи тақдирларни илгари су-раётгани, ҳамфикрлик ва ҳамжиҳатликка чакираётгани эътироф этилмоқда.

ТУРКИЙ ҲАМЖИҲАТЛИК — ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА АДОЛАТ ЙЎЛИДАГИ БИРЛАШУВ

Бугунги мураккаб сиёсий жараёнлар даврида Туркий давлатлар ташкилоти фаолияти тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бу қардош Озарбайжоннинг Габала шаҳрида ўтган навбатдаги саммитда яна бир бор кўзга ташланди. Президентимизнинг ушбу нуфузли анжумандаги чиқиши нафақат туркий дунё, балки бутун минтақа ва инсоният учун муҳим ғоя ҳамда ташаббусларга бой бўлди.

Туркий халқлар асрлар да-вомида ягона маданий макон-да яшаб келган. Бу бирлик ҳаммаша сўзда эмас, амалда на-моён бўлган: савдо йўллари, илм-маърифат, давлат бошқа-руви анъаналари, адабиёт ва санъатдаги ҳамоҳанглик биз-нинг умумий тарихимиз ва тақ-диримиздан давр беради.

Бу бирлик бугун янги маъ-мун касб этмоқда. У фақат ма-даний яқинлик эмас, балки иқтисодий, сиёсий ва гумани-тар интеграцияни ҳам ўз ичига олган замонавий ҳамжиҳатлик моделига айланди.

Бундан уч йил аввал мамла-катимиз мезонлиқ қилган сам-митда Самарқанд декларация-си, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган стратегия ва “Туркий нигоҳ — 2040” форма-ти — рамзий бирлиқдан қўшма иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларга ўтишни белгилаб берганди. Шу маънода, Габа-ла саммити Самарқандда бош-ланган изчил сиёсий йўлнинг мантқий давоми бўлди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир халқаро анжуманда бўлганидек, Габала саммитида ҳам қатор долзарб ва ҳаётий ташаббус-ларни илгари сурди. Аввало, минтақавий хавфсизлик ва

барқарорлиқни таъминлашда туркий давлатлар ташқи ишлар вазирлари ҳамда махсус хизматлари раҳбарларининг қўшма учрашувини Самарқанд-да ўтказиш таклифи илгари су-рилди. Эътиборлиси, бу тинч-лик ва ҳамжиҳатлик сиёсати-нинг янги босқичга кўтарилаёт-ганидан дарак беради. Чунки хавфсизликни бир мамлакат эмас, балки барча қўшинлар билан биргаликда таъминлаш муҳим. Демак, туркий давлат-лар ўртасидаги ишонч страте-гик даражага чиқмоқда.

Туркий давлатлар ташкило-ти фаолиятида фақат иқтисо-дий эмас, балки маънавий ва гуманитар йўналишлар ҳам му-ҳим ўрин тутади. Ўзбекистон бу соҳада ҳам ташаббускор мам-лакат сифатида намён бўляп-ти. Хусусан, Президентимиз Габала саммитида Туркий давлатлар халқаро универси-тетини ташкил этишни таклиф қилди. 2026 йилда “Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий ижоди — Туркий дунё маъна-вий ҳаётида” мавзuida халқа-кон конференция ўтказиш та-шаббусини илгари сурди. Бу таълим ва фан соҳасидаги ин-теграциянинг янги босқичи-дир. У қўшма тадқиқотлар, ин-новациялар, илмий алмаш-

нувлар учун умумий майдон яратади.

Шунингдек, ёшларнинг эко-логик саводхонлигини ошириш, экстремизм ва радикал маф-кураларга қарши биргаликда курашиш бўйича чора-тадбир-лар ишлаб чиқиш тақдирлари бугунги дунёдаги энг муҳим ғоялардан биридир.

Президентимиз сунъий ин-теллект, рақамлаштириш ва креатив иқтисодиёт соҳасида “Йўл харитаси” қабул қилиш та-шаббусини ҳам илгари сурди. “Адолат” СДП замонавий би-лим ва технологияларни жамия-ят тараққиётининг асосий драйвери деб билади. Бу та-шаббус ёш авлод учун янги би-лимлар, юқори малакали иш ўринлари ва инновацион имко-ниятлар яратишга хизмат қи-лади. Демак, биз, депутатлар бу соҳада парламентда тегишли қонунчиликни янада такомил-лаштиришимиз зарур бўлади.

Саммитда давлатимиз раҳбари томонидан илгари су-рилган “Яшил трансформация” консорциумини тузиш ва орга-ник қишлоқ хўжалиги бўйича ягона туркий бренди яратиш ташаббуслари ҳам партиямиз позицияси билан уйғун. Биз экологик барқарорлик, соғлом ҳаёт ва озиқ-овқат хавфсизли-гини таъминлашни стратегик устувор йўналиш сифатида кўра-миз. Бу ташаббуслар на-роқат иқтисодий самара бера-ди, балки келгуси авлодлар учун соғлом муҳит яратишга хизмат қи-лади.

Эътибор қаратиш жоиз бўлган яна бир жиҳат бор. Таш-

қилотнинг бу йилги саммити “Минтақавий тинчлик ва хавф-сизлик” шиори остида ўтгани бежиз эмас. Чунки тараққиёт-нинг асоси тинчликдир. Ҳеч бир иқтисодий, сиёсий ёки тех-нологик ютуқ барқарор тинч-ликсиз керакли қийматга эга бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари ўз нут-қида Ўзбекистоннинг бу бора-даги позициясини аниқ ифо-далаб берди: Туркий дунё — барқарорлик, ишонч ва ўзаро англашув ҳудуди бўлиши керак. Тинчликни таъминлашда нафа-қат давлатлар, балки халқлар, жамиятлар ва ёшлар иштиро-қини кучайтириш муҳим.

Га-ба-ла-са-м-ми-ти-да Президентимиз илгари сурган ташаббуслар инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари, ҳаёти ва фар-ровонлиги билан чамбарчас боғлангани билан ҳам аҳа-ми-я-лидир. Зеро, партиямизнинг асосий ғояси “Адолат — жамия-ят тараққиётининг пойдевори” тамойили билан тўлиқ уйғун.

Иқтисодий ҳамжиҳатлик, таълим ва фан соҳасидаги ин-теграция, тинчлик-хавфсизли-ни мустаҳкамлаш, экология ҳамда соғлом турмуш тарзини рағбатлантириш — буларнинг барчаси халқлар фаровонлиги-га хизмат қиладиган адолатли йўл. Биз бу бирдамликни адо-лат, тинчлик ва инсонпарвар-лик асосида қуришимиз лозим.

Робохон МАҲМУДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
«Адолат» СДП фракциясининг
раҳбари.

Сиёсатшунос Қудратилла Рафиковнинг “Халқ сўзи” газетасида чоп этилган “Аламин бор...” сарлавҳали мақоласи аини пайтда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг туб моҳияти ҳамда аҳамиятини очиб беришга хизмат қилиши, шунингдек, чуқур таҳлил ва мазмунга эга эканлиги билан кенг жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.



ТАРИХ ВА МАДАНИЯТИМИЗГА УЙҒУН БУНЁДКОРЛИК ЖАРАЁНИ

Аввало, ушбу мақолада тарихимиз ва мадания-тимизга нисбатан чуқур эҳтиром ўз ақсини топ-ган. Ҳақиқатан ҳам, ўз миллатимиз тарихини ўрга-ниш ўзликини англашнинг муҳим шarti сифатида келажакка йўл очадиган зарур воситадир.

Муаллиф ўтмишни қоралаш эмас, балки уни ўрганиш ва тўғри баҳолаш кераклигини таъкид-лайди. Хар қандай тарихий даврнинг ёруғ ва қоронғи томонлари бор. Шундай экан, ўтмиш воқеаларидан сабоқ олиш маънавий янгилианиш учун зарур.

Таъкидлаш жоизки, мақолада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тарихий меросга ва мада-ний ренессансга оид ғоялари ҳамда орзу-армон-лари чуқур таҳлил қилинган. Миллий ўзликини тик-лаш ва мамлакатнинг дунёдаги ўрнини қайта ба-ҳолаш — бугунги куннинг энг долзарб вазифала-ридан, десак, аини ҳақиқат. “Учинчи Ренессанс” ва маънавий юксалиш ғояси миллий тараққиёт учун асосий йўналиш бўлиши керак. Мазкур ғоялар орқали биз ўз миллий қадриятларимизни янги босқичга кўтаришимиз мумкин.

Мақолада илмий кашфиётлар, тарихий воқеа-лар ҳамда буюк шахсларнинг ўрни ҳам батафсил баён этилган. Бу жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни-мизни топишимизга кўмаклашадиган, айниқса, ўзбек-лар тарихи ва илм-фани ҳақидаги маълумотлар жуда муҳимдир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, муал-лиф Президентнинг ренессанс, маънавий юкс-алиш ҳақида айтётган фикрлари, муружаатлари шунчаки, дейлик сиёсий популизм эмас, балки фундаментал асосга, аниқ режага асосланган ғоя эканлига урғу беради.

Аждодлар хотирасига ҳурматнинг янги ўзани

Мақолага асосий мавзу қилиб танланган Ўзбе-кистондаги Ислом цивилизацияси марказини қуриш таклифи давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил илгари сурилиб, ушбу эзгу ташаббус-га ўша пайтларданқоқ киришилган эди. Айнан ўша йиллари Учинчи Ренессанс, тарихий маданий ме-рос, жумладан, мусулмон ва ундан кейинги те-мурийлар уйғониш даври, буюк аждодлар хоти-расига қарашнинг янги ўзанага ўтгани Президент Шавкат Мирзиёев мафкуравий сиёсатининг асл ўзагига айланди. Бу миллатнинг, Ватаннинг қадр-қимматини жойига қўйиш, топталган, баъ-зан эса оёқости бўлган шону шавкатимизни улуғ-лашга қаратилгани билан ҳам ғоятда аҳамият-лидир.

Яна бир жиҳат, Ўзбекистондаги Ислом цивили-зацияси марказининг мукаммал лойиҳаси ҳақидаги аниқ, батафсил тавсиф бўлиб, у мазкур мажмуа-нинг миллий маданиятимиз ва тарихимизнинг янги босқичини очаётган муҳим ёдгорлик эканлигидан далолат беради.

Ушбу марказ нафақат меъморий ёки маданий жиҳатдан, балки илм-фан ва жаҳон цивилизация-лари ўртасидаги интеграция нуктаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эга. Шарқ ва миллий меъморчи-лик анъаналарига асосланган лойиҳа орқали ил-мий тадқиқотлар ҳамда халқаро ҳамкорлиқнинг кенгайиши, музейлар ва кутубхоналарнинг фао-лият мамлакатимиз жаҳондаги энг илғор илмий марказлар қаторига чиқишини таъминлайди. Ўтмишдаги буюк маданий ҳамда илмий уйғониш-лар ҳақидаги билимларимизнинг янада чуқурла-шишга имкон беради. Шунингдек, дунё миқёси-даги олимлар ва мутахассислар иштирокидаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг жаҳон маданияти ва илм-фанидаги нуфузини оши-ришга хизмат қиладиган.

Мамлакатимизда бундай кенг кўламли ва за-монавий мажмуулар барпо этилиши миллий ғуру-римизни оширади, Ислом цивилизациясини ўрга-ниш ва ривожлантиришга муҳим қадам ҳисобла-нади. Бу марказ нафақат тарихий меросни ас-раб-авайлаш, балки келажак авлодга илм-фан ва маърифатни тарқатишда ҳам муҳим ўрин тутади.

Тошкент — янгилашнинг майдони

Дарвоқе, бугун Тошкент шаҳри улкан қурилиш майдониға айланди. Пойтахтимиз инфратузилма-сини такомиллаштириш ва ривожлантириш бора-сида жуда кўп бунёдкорлик ишлари олиб бори-лмоқда, янги-янги истикболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти.

Хусусан, сўнгги йилларда шаҳарда йўллар, кўприklar, метрополитен станциялари қурилиши ва қайта таъмирланиши катта сурват билан амалга оширилмоқда. Масалан, Тошкент метросининг янги станциялари очилиши билан пойтахт аҳоли-сига ҳамда меҳмонларига шаҳар ичида тез ва қулай ҳаракатланиш имконияти яратилмоқда. Бу эса транспорт тизимининг самарадорлигини се-зиларли даражада оширади.

Тошкентнинг турли ҳудудларида янги бино-ком-плекслар, ижтимоий инфратузилма объектлари — мактаблар, боғчалар, поликлиникалар қурилмоқ-да. Бу бунёдкорлик ишлари аҳолининг ҳаёт си-фатини яхшилашга қаратилгани билан аҳамият-лидир. Саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам инвесторларни жалб қилиш учун бир қатор кичик

саноат зоналари, бизнес марказлари ташкил этил-моқда. Бу, ўз навбатида, шаҳар иқтисодиётини ривожлантиришга хисса қўшмоқда.

Шаҳар муҳитидаги яшил ҳудудларни кўпайти-риш ва маданий меросни асраб-авайлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Парклар, хибон-лар ташкил этиш, кўчаларни ободонлаштириш ишлари аҳолига қулай ва соғлом яшаш муҳитини яратишга хизмат қилмоқда. Улкан бунёдкорлик ишлари Тошкентни замонавий, ривожланган ва қулай шаҳарга айлантиришда муҳим омил бўляпти.

“Янги Тошкент” қурилиши ҳам жадал суръат-ларда давом этмоқда. Замонавий тураржой комплекслари, инфратузилма иншоотлари, мак-таблар, боғчалар ва ижтимоий хизмат кўрсатиш объектлари аҳоли учун қулайлик ва фаровонли-ни таъминлашга қаратилган. Бу лойиҳалар замона-вий бунёдкорлик ва муҳандисликнинг илғор ютуқлари асосида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Олимпия маркази ҳам бунёдкорлик-нинг ёрқин намунаси, десак, аини ҳақиқат. Бу мар-каз нафақат спортчилар учун халқаро стандарт-ларга мос тайёргарлик майдони бўлиб хизмат қи-лади, балки мамлакатимизнинг спорт салоҳиятини янада юксалтиради, аҳоли саломатлигини сақлаш-га хисса қўшади. Олимпия марказининг очилиши билан Тошкент спорт соҳасида янги даврга қадам қўйди, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Илм-фан ва маънавият маркази

Тошкентни улкан бунёдкорлик, замонавий биз-нес, илм-фан ва маданият марказига айланти-раётган “Tashkent city” эса аллақачон тилларга тушди, хорижлик сайёҳларнинг туризм нуқтасига айланиб улгурди. Унинг ён-атрофидаги муҳташам бинолар шаҳар кўрқига кўрқ қўшди. Кейинги йил-ларда бу ердаги Халқаро конгресс марказида кўпала форум ва анжуманлар бўлиб ўтаётди. Кел-гусида яна қатор нуфузли саммитлар ўтказили-ши режалаштирилгани ҳам унинг аҳамиятини кўрсатиб турибди.

Умуман олганда, Тошкентда амалга ошири-лаётган барча улкан бунёдкорлик ишлари нафа-қат шаҳар модернизациясига қаратилган, балки мамлакатимиз тараққиёти ва жаҳон миқёсидаги нуфузини оширишга хизмат қиладиган. Хар бир янги иншоот, ҳар бир улкан лойиҳа — бу миллий ис-тиқболимизни мустаҳкамлашга йўналтирилган янги қадамдир. Бу бунёдкорликлар орқали Тошкент нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг замонавий, обод ва жозибали пойтах-тиға айланмоқда.

Мақола муаллифи таъкидлаганидек, пойтахти-миз Тошкент ҳеч замонда мактовга муҳтож бўлган эмас. Тарихи узоқ-узоқларга кетган бу шаҳар ҳақида ўтмишда ўтган буюк болаларимиз ҳам ўзларнинг асарларида ёзиб қолдиришган. Барча даврларда Тошкент, дейилса, “эски шаҳар” ҳаммининг кўз олдиға келган. Бугун ҳам “эски шаҳар”га борган киши мўъжизани кўради. Хар қандай одам ўзини тарих ичига кириб қолгандек ҳис қилиши табиий. Айниқса, ҳудуднинг асосий кириш эшиги ўз тутган Қорасарой кўчаси бутун-лай мафтункор. Қисқа муддат ичида бу даража-даги ўзгаришларни амалга ошириш худди тушга, эртатка ўхшайди...

Миллий ўзликни асраб қайғуси

Мақола ҳақида яна шунги айтиш мумкинки, у ўзбек миллатининг тарихий ҳамда маънавий тик-ланиши ҳақида чуқур фикрлар билан ёзилган. Хар бир халқ ўз тарихи ва маданиятини унутмаслиги кераклиги ёритилган. Ҳақиқатан ҳам, кўп йиллар давомида биз ўз улғу аждодларимизнинг буюк ме-росини етарлича эътироф этмаганимиз ва бу ҳолат миллий ўзликка салбий таъсир кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари бошчилигидаги бугунги ўзгаришлар ва ренессанс ғояси бу унутилган бойликлари қайта тиклашга хизмат қиладиган. Президентимизнинг ташаббуслари эса она Ватанимизнинг тарихий шарафини тиклашга, иж-тимоий-иқтисодий тараққиётга, аҳоли фаровон-лигини таъминлашга асос бўлаётди.

Муаллиф мақолада тарихий далиллар ва буюк олимлар, арбоблар ҳаётидан мисоллар келтириб, ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясидаги ўрни-ни яна бир бор кўрсатишга урингани мени жуда таъсирлантирди. Бу биз учун катта гурур ва масъ-улиятдир. Шу билан бирга, мақоладаги маънавий тушуқлик ва унутилган тарих ҳақидаги мулоҳаза-лар халқимиз учун муҳим сигналдир. Биз ўзимиз-нинг буюк тарихимизни, миллий маданиятимизни асраб-авайлаб, уларни келажак авлодларга етқа-зишимиз зарур. Мақола эса ана шундай муҳим вазифаларни олдимизга қўйиш билан бирга, бугунги ислохотлар, улкан бунёдкорликлар моҳия-тини халқимизга янада кенгрок, таъсирчан тарз-да етказиб беришда муҳим ўрин тутади.

Рустам КАЛОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофас ва хавфсизлик масалалари қўмитаси
аъзоси, халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси.

